


Ғолиблик муборак!



12:52 / 27 май 989

Аввал хабар берганимиздек, Россиянинг Ингушетия Республикасида 25-27 май кунлари «Ихва» хайрия жамияти томонидан Қуръони Каримни тажвидли ўқиш **II Халқаро Қуръон мусобақаси** ўтказилган эди. Ушбу мусобақада юртимиздан вакил сифатида «Ҳидоя» ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Аббосхон қори Обидов Саидмурод ўғли иштирок этди.

Мазкур халқаро Қуръон мусобақасида юртимиз вакили муваффақиятли иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллади.

Аллоҳ таоло Аббосхон қорига юртимиздан етишиб чиққан забардаст ҳофизи Қуръонларнинг йўлини берсин, ҳифзини бақувват, хотирасини ўткир қилсин. Халқимизга ушбу ғалаба муборак бўлсин!